

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП
МОДДАЛАР МУОМАЛАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ: ҚОНУНЧИЛИК ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ**

Дусназаров Бехзод Воҳиджонович.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги
университети тадқиқотчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22086498>

Аннотация. Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларининг эволюцияси ва замонавий ҳолати илмий таҳлил қилинган. Тадқиқотда соф репрессив ёндашувлардан воз кечилиб, тиббий-ижтимоий реабилитация ва профилактикага асосланган янги миллий моделга ўтилиши ёритилган.

Жумладан, ПФ-207-сон Фармони ва ЎРҚ-1151-сон Қонуни доирасида амалга оширилган институционал ислохотлар, синтетик гиёҳвандлик воситалари, кибермакондаги наркотрафик (Даркнет) ва прекурсорлар назорати бўйича қонунчиликдаги ўзгаришлар кўриб чиқилган.

Шунингдек, трансмиллий наркожиноятчиликнинг эртанги таҳдидларига қарши курашиш мақсадида рақамли далиллар, крипто-активларни блоклаш ва "дорихона гиёҳвандлиги"га қарши курашишга қаратилган янги қонун нормалари лойиҳалари тақлиф этилган.

Калит сўзлар: гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, қонунчилик эволюцияси, рақамли наркотрафик, синтетик аналоглар, дорихона гиёҳвандлиги, интеллектуал превенция, кибермакон, рақамли далиллар.

**ПРАВОВЫЕ МЕХАНИЗМЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ОБОРОТА НАРКОТИЧЕСКИХ
СРЕДСТВ И ПСИХОТРОПНЫХ ВЕЩЕСТВ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ:
ЭВОЛЮЦИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА И СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ**

Аннотация. В данной статье проводится научный анализ эволюции и современного состояния правовых механизмов регулирования оборота наркотических средств, их аналогов и психотропных веществ в Новом Узбекистане. В исследовании освещается переход от чисто репрессивных подходов к новой национальной модели, основанной на медико-социальной реабилитации и интеллектуальной превенции.

В частности, рассматриваются институциональные реформы, реализованные в рамках Указа Президента № УП-207 и Закона № ЗРУ-1151, а также законодательные изменения в сфере контроля за синтетическими наркотиками, кибернаркотрафиком (Даркнет) и прекурсорами. Кроме того, в целях борьбы с перспективными угрозами транснациональной наркопреступности предложены проекты новых законодательных норм, направленных на процессуальное закрепление цифровых доказательств, блокировку криптоактивов и борьбу с «аптечной наркоманией».

Ключевые слова: наркотические средства, психотропные вещества, эволюция законодательства, цифровой наркотрафик, синтетические аналоги, аптечная наркомания, интеллектуальная превенция, киберпространство, цифровые доказательства.

LEGAL MECHANISMS FOR REGULATING THE CIRCULATION OF NARCOTIC DRUGS AND PSYCHOTROPIC SUBSTANCES IN NEW UZBEKISTAN: LEGISLATIVE EVOLUTION AND CURRENT STATE

Abstract. This article provides a scientific analysis of the evolution and current state of the legal mechanisms regulating the circulation of narcotic drugs, their analogues, and psychotropic substances in New Uzbekistan. The study highlights the transition from purely repressive approaches to a new national model based on medical and social rehabilitation and intellectual prevention. In particular, it examines the institutional reforms implemented under Presidential Decree No. UP-207 and Law No. ZRU-1151, as well as legislative changes concerning the control of synthetic drugs, cyber drug trafficking (Darknet), and precursors. Furthermore, in order to combat the future threats of transnational drug crime, drafts of new legislative norms aimed at regulating digital evidence, blocking crypto-assets, and combating "pharmacy drug addiction" are proposed.

Keywords: narcotic drugs, psychotropic substances, legislative evolution, digital drug trafficking, synthetic analogues, pharmacy drug addiction, intellectual prevention, cyberspace, digital evidence.

Замонавий глобаллашув, рақамли трансформация ва чегаралараро интеграциянинг мисли кўрилмаган даражада жадаллашуви шароитида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи инсоният цивилизацияси, алоҳида давлатларнинг миллий хавфсизлиги ҳамда жамиятнинг биологик ва ижтимоий барқарорлигига таҳдид солувчи энг хавфли транснационал деструктив ҳодисалардан бирига айланиб улгурди. Марказий Осиё минтақасининг стратегик геосиёсий кесишмасида жойлашган Ўзбекистон Республикасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларнинг маънавий-руҳий баркамоллигини таъминлаш ва миллат генофондини асраш давлат сиёсатининг энг устувор ва кечиктириб бўлмас йўналиши сифатида белгиланган¹.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Инсон қадри учун” концептуал тамойили доирасида гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг мутлақо янги, соф репрессив (фақатгина жазолашга асосланган) ёндашувлардан воз кечган ҳолда, илмий диагноз ва интеллектуал превенцияга таянувчи миллий модели пойдевори яратилмоқда². Давлатимиз раҳбарининг бевосита шахсий ташаббуси билан қабул қилинган 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-207-сон “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони жамиятда ушбу иллатга нисбатан мутлақо муросасизлик муҳитини

¹ Мирзиёев Ш.М. ““Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-73-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.05.2024 й., 06/24/73/0313-сон.

шакллантиришда тарихий, ҳукуқий ва ижтимоий бурилиш ясади³.

Мазкур стратегик ҳужжат орқали нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатлари кенгайтирилди, балки энг аввало, давлат бошқарувининг марказлашган институционал тузилмаси яратилиб, тиббий-ижтимоий реабилитация ва барвақт профилактика масалалари қонунчиликнинг ўзагига айлантирилди. Шунингдек, 2026 йил 11 июнда қабул қилинган ЎРҚ-1151-сонли Қонуннинг амалиётга жорий этилиши⁴ ҳамда 2026 йил 26 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг 337-сонли қарори⁵ мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани бутунлай янги, инновацион босқичга олиб чиқди. Мазкур параграфда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласини тартибга солишнинг қонунчилик эволюцияси, маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий-назарий қарашлари, замонавий таҳдидларга нисбатан қонунчиликнинг реакцияси ҳамда амалга оширилган ташкилий-институционал ислохотлар илмий таҳлил қилинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, трансмиллий наркожиноятчиликка қарши курашиш ҳамда психофаол моддаларнинг қонуний муомаласини таъминлаш борасидаги қонунчилик базаси узоқ, тизимли ва мураккаб эволюцион йўлни босиб ўтди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби, мазкур йўналишдаги ҳуқуқий муносабатларнинг пойдевори 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади.

Конституциянинг тегишли моддаларида ҳар бир инсоннинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқи, шунингдек давлатнинг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилган⁶. Бундан ташқари, жиноятчиликка қарши кураш стратегияси қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш принципларига асосланиши кафолатланган.

Олий Мажлис палаталари, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг тадрижий ривожланишини шунчаки хронологик кетма-кетликда эмас, балки нормаларнинг мазмун-моҳиятидаги концептуал ўзгаришлар, криминологик зарурат ва халқаро стандартларга мослашув даражасига қараб қуйидаги учта асосий босқичга ажратиш илмий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Биринчи босқич, базавий шаклланиш ва прогибиционист давр⁷ (1990-йиллар охири

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-207-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // lex.uz/uz/docs/7818774

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1151-сон Қонуни // NRM.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги маълумотлар тизими.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 26 июндаги “Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш ва узлуксиз назоратни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 337-сон қарори, 2-илоvasи, 5-банди // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2023. – 48-модда. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/832/0239-сон).

⁷ *Прогибационист давр* (инглизча *prohibition* — “тақиқлаш”, “ман этиш”) — бу давлат томонидан маълум бир турдаги маҳсулотларни (аксарият ҳолларда спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни) ишлаб

– 2000-йиллар боши) Мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ иттифоқ қонунчилиги ва маъмурий-буйруқбозлик тизими билан назорат қилинган специфик моддалар муомаласини тартибга солувчи миллий ҳуқуқий базани тезкорлик билан яратиш зарурияти юзага келди. Бу даврда Марказий Осиё минтақасида, хусусан Афғонистонда юз бераётган ҳарбий-сиёсий жараёнлар оқибатида Ўзбекистон ҳудуди орқали трансмиллий наркотрафикнинг (*асосан героин ва опий*) шиддат билан ўсиши кузатилди. Бундай оғир геосиёсий ва криминоген вазиятда давлатнинг ҳуқуқий сиёсати кўпроқ прогибиционист (*тақиқловчи*), репрессив ва қатъий жазолаш руҳида бўлиб, асосий эътибор гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасини физик жиҳатдан тўхтатишга, транзит каналларини йўқ қилишга қаратилган эди⁸.

Ушбу даврнинг энг муҳим фундаментал ҳужжати сифатида 1999 йил 19 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган *“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”*ги 813-И-сонли Қонунни⁹ эътироф этиш лозим. Мазкур қонун илк бор миллий ҳуқуқ тизимида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ тушунчаларни қонун даражасида мустаҳкамлади, уларнинг устидан давлат назоратининг иерархиясини ўрнатди ва қонуний муомала фаолиятини лицензиялаш тартиб-таомилларини белгилаб берди. Шунингдек, 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг *Жиноят кодекси*¹⁰ ва *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси*¹¹ доирасида гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомаласи учун кескин жиноий жазолар тизими шакллантирилди. Бироқ, қонунчиликнинг мазкур илк босқичида наркожиноятчиликка асосан тор доирадаги жиноят-ҳуқуқий ва жамоат хавфсизлиги муаммоси сифатида қаралиб, касалликка чалинган шахсларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси, уларни жамиятга қайтариш ва виктимологик профилактика масалалари иккинчи даражали планда қолган эди. Шунингдек, бу даврдаги жиноят қонунчилиги асосан анъанавий, ўсимлик таркибли гиёҳванд моддаларга қарши курашишга мослаштирилган бўлиб, бўлажак технологик, рақамли ва кимёвий таҳдидлар инобатга олинмаганди.

Иккинчи босқич, институционал ва халқаро интеграция даври (2000-йиллар ўрталари – 2016 йиллар)

Мазкур босқичда Ўзбекистон ўзининг антинаркотик сиёсатини БМТнинг умумэътироф этилган стандартлари, халқаро конвенциялар талаблари ва минтақавий

чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш ва истеъмол қилиш қатъян тақиқланган тарихий ёки сиёсий даврни англатади.

⁸ Исмоилов И., Зиёдуллаев М.З. ва бошқ. Криминология. Умумий ва Махсус қисмлар: Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 614-616.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги *“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”*ги 813-И-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz)

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон. (*Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид 273–276-моддалар*).

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон. (*Гиёҳвандлик воситаларини кам миқдорда гайриқонуний муомаласига оид 56-модда*).

келишувларга мувофиқлаштириш, институционал базани мустаҳкамлашга киришди¹². Хусусан, БМТнинг 1961 йилдаги “*Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида*”¹³ ги ягона конвенцияси, 1971 йилдаги “*Психотроп моддалар тўғрисида*”¹⁴ ги конвенцияси ва 1988 йилдаги “*Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисида*”¹⁵ ги конвенцияси нормалари Олий Мажлис томонидан ратификация қилиниб, миллий қонунчиликка чуқур имплементация қилинди.

Шунингдек, давлат назоратига олинадиган моддаларнинг тўртта рўйхати (*Списки I, II, III, IV*) тизими Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланиб, модданинг хавфлилик даражаси, қарамлик келтириб чиқариш салоҳияти ва тиббий аҳамиятига қараб назорат чораларини дифференциация қилиш имконияти вужудга келди¹⁶. Бундан ташқари, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти¹⁷ (ШХТ) ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги¹⁸ (МДХ) доирасидаги минтақавий битимлар, шунингдек, Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини¹⁹ (ЦАРИКЦ) ташкил этиш тўғрисидаги келишувларнинг ратификация қилиниши натижасида давлатлараро тезкор ахборот алмашинуви, қўшма тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳамда мазкур турдаги жиноятларни содир этган шахсларни экстрадиция қилишнинг мустаҳкам халқаро-ҳуқуқий базаси яратилди.

Шунингдек, институционал соҳада ҳам силжишлар кузатилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари билан Наркологик реестрни юритиш регламенти тасдиқланди, диспансер кузатуви механизми йўлга қўйилди ва тиббий-ижтимоий назорат тизимининг

¹² Маълумот учун: Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонуний муомаласини тартибга солиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашишга қаратилган юзга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат миллий қонунчилик базаси шакллантирилган

¹³ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги Ягона конвенцияси (*Нью-Йорк, 1961 йил 30 март*). Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Олий Кенгашнинг 1995 йил 6 майдаги 77-I-сон қарорига асосан қўшилган. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz/docs/2635956>

¹⁴ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Психотроп моддалар тўғрисида”ги конвенцияси (*Вена, 1971 йил 21 февраль*). Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Олий Кенгашнинг 1995 йил 6 майдаги 78-I-сон қарорига асосан қўшилган. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz/docs/2635399>

¹⁵ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисида”ги конвенцияси (*Вена, 1988 йил 20 декабрь*). Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Олий Кенгашнинг 1995 йил 6 майдаги 79-I-сон қарорига асосан қўшилган. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz/docs/2637255>

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 330-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz/docs/2815340>

¹⁷ Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланмасига қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битими (*Душанбе, 2004 йил 17 июнь*) // Ўзбекистон Республикаси мазкур Битимни Олий Мажлисининг 2004 йил 3 декабрдаги 714-II-сон қарори билан ратификация қилган.

¹⁸ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияси (*Минск, 1993 йил 22 январь*).

¹⁹ Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини (ЦАРИКЦ) ташкил этиш тўғрисидаги Битим (*Остона, 2006 йил 24 июль*).

илк куртаклари пайдо бўлди²⁰.

Учинчи босқич “Янги Ўзбекистон” даври (2017 йилдан ҳозирги вақтгача)

2017 йилдан бошланган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислохотлари даврида антинаркотик сиёсат вектори фақат жазолаш ва қатағон механизмларидан воз кечиб, инсон ҳуқуқлари устуворлиги, тиббий-ижтимоий реабилитация, виктимологик ҳимоя ва барвақт профилактикага қаратилган янги илмий-гуманистик парадигмага ўтди. Яъни бу босқичда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ташаббуслари билан соҳада стратегик режалаштиришга асосланган ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2024 йил 6 майдаги ПФ-73-сонли Фармон билан “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024–2028 йилларга мўлжалланган Миллий стратегия”²¹ тасдиқланди. Ушбу Стратегия доирасида жамиятда гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича “4 Ps” методологиясига асосланган янгича ёндашув яъни, *Prevention* (Профилактика), *Pursuing* (Таъқиб қилиш), *Protection* (Ҳимоя қилиш) ва *Partnership* (Шериклик) тамойиллари жорий этилди²².

Энг муҳим тарихий қадамлардан бири сифатида 2025 йил 3 ноябрда қабул қилинган “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-207-сонли Фармонни²³ кўрсатиш мумкин. Мазкур Фармон билан нафақат давлат бошқарувининг марказлашган органи ташкил этилди, балки 2025–2026 йилларга мўлжалланган гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш бўйича Комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури тасдиқланиб, наркоманияга чалинган шахсларга жиноятчи сифатида эмас, балки тиббий ёрдам ва ижтимоий психологик реабилитацияга муҳтож бўлган жабрланувчи сифатида қараш тамойили қонунчиликда мустаҳкамланди. Ушбу даврдаги қонунчилик эволюциясининг энг ёрқин хусусияти шундаки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар “дизайнерлик наркотиклари”, кучли таъсир қилувчи дори воситалари, прекурсорларнинг ноқонуний айланмаси ва кибермакондаги наркотрафик каби янги авлод таҳдидларига нисбатан мослашувчан, тезкор ва интеллектуал-профилактик характерга эга бўлди.

Шу ўринда, маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари таҳлилига назар ташласак.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни нотиббий истеъмол қилувчи шахсларни, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик билан касалланган беморларни ҳисобга олиш ва кузатиб бориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 15 июлда 1494-сон билан рўйхатга олинган). // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz/docs/659697>

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz/docs/6912475>

²² Ўша манба: <https://lex.uz/docs/6912475>

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-207-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz/>

Хусусан, гиёҳвандлик воситалари муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш ва ушбу соҳадаги жиноятларга қарши курашиш масаласи доимо *ҳуқуқшунос, криминолог, социолог* ва *психолог* олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Мазкур муаммонинг концептуал асослари, криминоген детерминантлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги зиддиятлар маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг монографиялари, дарсликлари ва йирик илмий мақолаларида кенг қамровли таҳлил қилинган.

Жумладан, маҳаллий олимлардан *А.А. Отажонов* ўз тадқиқотларида Жиноят кодексининг XIX бобида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг тузилиши бланкет (*ҳавола қилувчи*) хусусиятга эга эканлигини, бироқ ушбу нормалар уларнинг мазмунини аниқлаб берувчи “*Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида*”ги қонун нормалари билан номувофиқ тарзда белгиланганлигини кескин танқид қилади²⁴. Олимнинг таъкидлашича, нормаларнинг мураккаб конструктив тузилиши ва айрим моддаларда турли хил жиноят таркиблари учун бир хил жавобгарлик белгиланганлиги суд-тергов амалиётида нормаларни бир хилда қўллашда жиддий хатоликлар ва тўсиқларни юзага келтиради. Шунингдек, *А.А. Расулев* гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг предметини криминологик жиҳатдан тадқиқ этиб, уларнинг уюшган трансмиллий жиноятчилик билан узвий боғлиқлигини кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, янги турдаги синтетик моддаларнинг пайдо бўлиши қонунчилик терминологиясини зудлик билан унификация қилишни тақозо этади²⁵. *Олима Қ.Р. Абдурашулова* ва *ҳуқуқшунос Б. Умаровалар* эса жинойий жазо тайинлашни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш масалаларига эътибор қаратиб, жиноят предметларини ўтказиш мақсадсиз, фақат ўзининг физиологик ва руҳий қарамлиги сабабли сақлаган касалликка чалинган шахслар билан уюшган йирик наркокурьерлар ўртасидаги жавобгарлик мезонларини адолатли тақсимлаш зарурлигини илгари сурганлар²⁶. Тадқиқотчи *И. Очилов* айтиб беришича, бир масалани тартибга солиш норматив ҳужжатлардаги “*гиёҳвандлик*” ва “*гиёҳвандлик*”, шунингдек, “*аналоглар*” тушунчаларидаги лингвистик ва юридик ноаниқликларни бартараф этиш қонун ижодкорлигининг биринчи галдаги вазифаси эканлигини қайд этади²⁷.

Хорижий ҳуқуқшунослик ва криминология мактаби вакиллариининг қарашлари мазкур тадқиқот учун муҳим методологик ва назарий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Хусусан, россиялик криминолог олимлар *Д.А. Корецкий* ва *Е.С. Стешич* гиёҳвандликка қарши курашиш сиёсатида «риторика ва воқелик» ўртасидаги тафовутни чуқур таҳлил

²⁴ *Отажонов А.А.* Жиноят қонунчилигида гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини квалификация қилиш муаммолари // Юридик фанлар ахборотномаси – Review of Law Sciences. – Тошкент, 2021. – № 2. – Б. 45.

²⁵ *Расулев А.А.* Гиёҳвандлик воситалари ва янги турдаги синтетик моддаларнинг ноқонуний айланмаси: криминологик ва жиноят-ҳуқуқий жиҳатлар // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали – Журнал правовых исследований. – Тошкент, 2022. – № 4. – Б. 72.

²⁶ *Абдурашулова Қ.Р., Умарова Б.* Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар учун жазо тайинлашни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш масалалари // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2020. – № 1. – Б. 28-29.

²⁷ *Очилов И.* Жиноят ҳуқуқида гиёҳвандликка оид терминологияни унификация қилишнинг айрим масалалари // Ёш олимлар илмий ахборотномаси. – Тошкент, 2023. – Б. 114.

қилиб, фақатгина жиноий жазо муддатларини узайтириш ва қамоқхоналарни тўлдириш орқали қутилган профилактик самарага эришиб бўлмаслигини таъкидлайдилар²⁸. Уларнинг фикрича, “гуманистик” суд амалиёти баъзан йирик наркобаронлар учун асоссиз енгилликлар яратиб берган бир шароитда, оғир жазолар кўпинча ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, алданиб жиноятга кирган қуйи бўғин иштирокчилари (“закладчик”лар) зиммасига тушмоқда. Бошқа бир олим К.А. Плеханова эса транссмилий наркожиноятчиликка қарши курашда ташкилий-ҳуқуқий чораларни кучайтириш, идоралараро электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш ва рақамли технологиялардан, жумладан Big Data (Катта маълумотлар) ва OSINT (Очиқ манбалар разведкаси) имкониятларидан кенг фойдаланишнинг аҳамиятини илмий асослаб берган²⁹.

Замонавий ғарб криминологияси ва социологиясида гиёҳвандлик жиноятлари механизмларини, хусусан ёшлар ўртасидаги девиант хулқ-атвори тушунтиришда бир қатор фундаментал назариялар мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистоннинг янги қонунчилигини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан:

1. Кибермакондаги наркосавдо жараёнларини таҳлил қилишда америкалик олимлар Л. Коэн ва М. Фелсон томонидан ишлаб чиқилган “Кундалик фаолият назарияси” (*Routine Activity Theory*) муҳим методологик аҳамиятга эга. Мазкур назарияга кўра, виртуал муҳитда (*Darknet ёки ижтимоий тармоқлар*) жиноятнинг содир этилиши учта омилнинг бир вақтда мавжудлигига боғлиқ: мотивга эга ҳуқуқбузар, жозибадор нишон (*харидорлар*) ва виртуал назоратнинг, яъни “қобилиятли қўриқчининг” (*capable guardian*) йўқлиги. Бундай шароит кибермаконда ўзига хос “идеал жиноий экотизим”нинг шаклланишига ва ноқонуний муомаланинг глобал миқёсда кенгайишига замин яратади³⁰.

2. Ёшлар томонидан синтетик гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ва улар билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатларни содир этиш сабабларини ўрганишда Р. Агньюнинг “Умумий зўриқиш назарияси” (*General Strain Theory*) методологик асос бўлиб хизмат қилади. Олимнинг таъкидлашича, ўсмирлар ва ёшлардаги девиант хулқ-атвор уларнинг ижтимоий-психологик стресслар, оилавий эътиборсизлик, тенгдошлар босими ҳамда келажакка бўлган ишончсизлик туфайли юзага келадиган руҳий зўриқишга нисбатан нотўғри (*девиант*) мослашув реакцияси ҳисобланади. Яъни, гиёҳвандлик ёшлар учун мавжуд руҳий тангликни юмшатишнинг “носозлом” механизми сифатида намоён бўлади³¹.

3. Ёшларнинг интернет тармоғидаги криминал субмаданиятларга кириб қолиши ва улардан жиноят содир этиш кўникмаларини ўзлаштириши жараёнини Э. Сазерленд ва Р. Агерс томонидан ривожлантирилган “Дифференциал ассоциация назарияси” (*Differential Association Theory*) орқали асослаш мумкин.

²⁸ Корецкий Д.А., Стешич Е.С. Криминологический анализ уголовной политики в сфере борьбы с наркопреступностью // Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. – Иркутск, 2014. – № 3. – С. 14–22.

²⁹ Плеханова К.А. Трансграничная наркопреступность в цифровую эпоху: проблемы противодействия и использование технологий OSINT // Вестник криминологии и правовой политики. – Москва, 2024. – № 1. – С. 112–115.

³⁰ Cohen L. E., Felson M. Social Change and Crime Rate Trends: A Routine Activity Approach // American Sociological Review. – 1979. – Vol. 44, № 4. – P. 588–608.

³¹ Agnew R. Foundation for a General Strain Theory of Crime and Delinquency // Criminology. – 1992. – Vol. 30, № 1. – P. 47–87.

4. Мазкур назарияга кўра, ёшлар жиноий ҳаракат усуллари ва уларни оқловчи мотивларни бевосита виртуал референт гуруҳлар билан муносабатда бўлиш ҳамда уларга тақлид қилиш орқали шакллантиради. Бундай ёндашув наркожиноятчиликнинг фақатгина ҳуқуқий тартибга солиш объекти эмас, балки чуқур ижтимоий, иқтисодий ва психологик детерминантларга эга мураккаб ижтимоий ҳодиса эканлигини тасдиқлайди³².

Дарҳақиқат, бугунги кундаги энг долзарб илмий-ҳуқуқий ва криминологик муаммо — бу миллий қонунчиликнинг янги турдаги, юқори технологик ва кимёвий жиноятларга мослашиш тезлиги (*адаптацияси*) ҳисобланади. Замонавий наркожиноятчилик географик чегараларни тан олмайдиган, алгоритмлар орқали ишлайдиган ва доимий равишда ўз кимёвий формуласини ўзгартириб турадиган гибрид таҳдидга айланди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ушбу таҳдидларга нисбатан қандай адаптация қилинганлигини ҳамда мавжуд бўшлиқлар ва ютуқларни ўрта ҳисоб қилиб таҳлил қилиш мумкин.

Биринчидан, *синтетик гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари устидан назорат йўналиши*. Мазкур блокда сўнгги йилларда анъанавий ўсимлик таркибли моддалар (*героин, опий, марихуана*) ўрнини кимёвий яширин лабораторияларда тез ва арзон синтез қилинадиган, марказий асаб тизимига ўта вайронкор таъсир кўрсатувчи ва қисқа вақт ичида қарамликни келтириб чиқарувчи синтетик гиёҳвандлик воситалари (*мефедрон, альфа-PVP, метамфетамин*) шиддат билан эгалламоқда. Инновацион кимёгар-жиноятчилар муайян тақиқланган модданинг молекуляр тузилишини биров ўзгартириш орқали, давлат назоратидаги расмий рўйхатларга ҳали киритилмаган “*дизайнерлик наркотикларини*” (*Янги психофаол моддалар - NPS*) тезкорлик билан яратиш орқали қонунчиликдаги бўшлиқлардан кенг фойдаланишга уриниб келмоқдалар.

Ушбу ўсиб бораётган трансмиллий таҳдидга нисбатан давлатнинг қатъий ҳуқуқий реакцияси сифатида 2026 йил 11 июнда қабул қилинган ЎРҚ-1151-сонли “*Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотрон моддалар ёки уларнинг аналоглари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддалар билан қонунга ҳилоф муомала қилганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*”ги Қонун муҳим тарихий аҳамият касб этди³³. Қонунчилик эволюциясидаги энг йирик ютуқлардан бири — Жиноят кодексига “*гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари*” деган фундаментал тушунчанинг киритилиши бўлди. Қонунга кўра, *аналоглар* — кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра асосий гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш бўлган, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этадиган синтетик ёки табиий моддалар сифатида юридик жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу янгилик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кимёвий формуласи тез ўзгарадиган “*дизайнерлик наркотиклари*” муомаласини чекловчи тезкор механизмни тақдим этиб, криминал

³² Sutherland E. H. Principles of Criminology. – Philadelphia: J.B. Lippincott, 1947. – P. 5–9; Akers R. L. Social Learning and Social Structure: A General Theory of Crime and Deviance. – Boston: Northeastern University Press, 1998. – P. 50–55

³³ Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 июндаги “*Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотрон моддалар ёки уларнинг аналоглари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддалар билан қонунга ҳилоф муомала қилганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*”ги ЎРҚ-1151-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2026. — № 24. — 345-модда.

элементлар фойдаланаётган “кулранг зоналарни” йўққа чиқарди³⁴.

Шунингдек, ЎРҚ-1151-сонли Қонун билан Жиноят кодексида “Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар” деб номланган алоҳида махсус бобнинг ташкил этилиши концептуал қадам бўлди³⁵. Энг асосийси, қонунчиликда илк бор ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун жавобгарликни назарда тутувчи 276¹-модда киритилди. Бу норма синтетик наркотикларни ишлаб чиқарувчиларга нисбатан 5 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилаб, диққат марказини истеъмолчиларни эмас, балки жиноий занжирнинг энг хавфли бўғини бўлган ишлаб чиқарувчиларни йўқ қилишга қаратди. Шу билан бирга, ПФ-207-сон Фармон³⁶ асосида янги пайдо бўлаётган психофаол моддаларни тезкор рўйхатга киритиш мақсадида вақтинчалик тақиқлаш (*мораторий*) тартибининг жорий этилиши қонунчилик мослашувчанлигининг энг юқори чўққиси бўлди.

Иккинчидан, кибермакондаги ноқонуний муомала ва рақамли далилларни процессуал баҳолаш йўналиши. Мазкур блок бугунги кунда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси анъанавий, кўзга кўринадиган жисмоний макондан тўлиқлигича яширин кибермаконга кўчиб ўтди десак ҳеч муболага бўлмайди. Хусусан, маҳаллий ва хорижий экспертларнинг қўшма тадқиқотларида³⁷ қайд этилганидек, наркосавдо жараёнлари *Darknet* тармоқлари, *Telegram* каби шифрланган мессенжерлар ва крипто-миксерлар ёрдамида криптовалюталар (*Bitcoin, Tether*) орқали тўловларни амалга оширувчи тўлиқ анонимлашган “контактсиз” (*contactless*) савдо тизимига айланди. Жиноий гуруҳларнинг иерархик бўғинлари — ташилотчилар, қадоқловчилар, курьерлар ва харидорлар бири-бирини умуман танимайди ва юзма-юз кўришмайди. Товарларни етказиб бериш эса геолокация ва фотосуратлар ёрдамида “закладка” (*хуфия жойга яшириб кетиш*) усулида амалга оширилиб, ёшларни, ҳатто мактаб ўқувчиларини курьерликка жалб этиш орқали миллат генофондига жиддий путур етказмоқда.

Мазкур рақамли таҳдидга мослашиш доирасида Ўзбекистон Республикасининг янги қонунчилиги (*жумладан, ЎРҚ-1151-сон Қонун*) гиёҳвандлик воситаларини телекоммуникация тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда ўтказишни, шунингдек вояга етмаганларни ушбу жиноятларга жалб қилишни жиноятни ўта оғирлаштирувчи ҳолат (*квалификация белгиси*) сифатида мустаҳкамлади ва санкцияларни кескин кучайтирди. Бундан ташқари, электрон ёзишмалар, крипто-ҳамёнлардаги транзакциялар, сервер маълумотлари ва геолокация қайдларини

³⁴ Трансмиллий наркотаҳдидларга қарши халқаро ҳамкорлик (*Ўзбекистон ва Венгриянинг қўшма илмий-амалий лойиҳаси*). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026 й. 88-бет.

³⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддалар билан қонунга хилоф муомала қилганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1151-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2026. — № 24. — 345-модда.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-207-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz/>

³⁷ Трансмиллий наркотаҳдидларга қарши халқаро ҳамкорлик (*Ўзбекистон ва Венгриянинг қўшма илмий-амалий лойиҳаси*). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026 й. 85-бет

Жиноят-процессуал кодекси доирасида рақамли далил сифатида йиғиш, қотириш ва судда баҳолаш механизмлари такомиллаштирилмоқда. Бироқ, илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, процессуал қонунчилик ҳали ҳам хорижий серверларда сақланадиган булутли технологиялар (*Cloud Act аналоглари*) ва трансчегаравий электрон далилларни тезкор олиш механизмлари борасида халқаро интеграция ва янги процессуал нормаларга муҳтож.

Учинчидан, *прекурсорлар назоратида иқтисодиёт ва хавфсизлик мувозанатини таъминлаш йўналиши*. Мазкур блокда синтетик наркотикларни яширин лабораторияларда тайёрлашда асосий хомашё сифатида ишлатиладиган кимёвий моддалар — прекурсорлар устидан назоратни ўрнатиш ўта нозик масала ҳисобланади. Чунки кўплаб прекурсорлар (*масалан, ацетон, толуол, сульфат кислотаси*) бир вақтнинг ўзида фармацевтика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва оғир саноатнинг қонуний эҳтиёжлари учун ҳам ўта зарурдир. Ушбу моддалар муомаласини иқтисодиётга зарар етказмаган ҳолда тартибга солиш балансини топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 26 июндаги 337-сонли қарори билан “*Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш ва узлуксиз назоратни таъминлаш тўғрисида*”ги ягона низом тасдиқланди³⁸.

Мазкур ҳужжат билан прекурсорларни олиш, сақлаш, ташиш, сотиш, йўқ қилиш, импорт ва экспорт қилишнинг қатъий ва шаффоф алгоритми жорий этилди. Эндиликда прекурсорларни Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “*Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази*” томонидан “*Литсензия*” ахборот тизими орқали, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг электрон хулосалари асосида бериладиган сертификат орқалигина амалга оширилади. Бу жараён модданинг турига қараб 5 кундан 15 иш кунигача давом этади. Сертификат бир марталик бўлиб, бир йил муддатга берилади. Қолаверса, прекурсорларни ташиш мажбурий тарзда ички ишлар органлари билан келишилган ҳолда ҳарбийлаштирилган кўриқлаш хизматлари кузатувида амалга оширилиши, харидордан моддаларнинг мақсадли ишлатилишини тасдиқловчи лицензия ва ҳужжатлар талаб қилиниши, шунингдек, ишлаб чиқарувчилардан мажбурий равишда “*Хавфсизлик паспорти*” олиниши белгиланди³⁹. Ушбу норматив ҳужжат саноатнинг эркин ривожланишига тўсқинлик қилмаган ҳолда, прекурсорларнинг қора бозорга ва яширин нарколабораторияларга сизиб чиқишини кафолатли равишда тўхтатадиган мукаммал ҳуқуқий филтър вазифасини ўтайди.

Тўртинчидан, *ташкилий-ҳуқуқий ва институционал ислохотлар таҳлили йўналиши*. Мазкур йўналиш қонунларнинг реал ҳаётда ишлаш механизминини таъминлаш учун, энг аввало, уларни ижро этувчи ва назорат қилувчи институционал тизим мукаммал, тезкор ва марказлашган бўлиши шарт.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 26 июндаги “*Ўзбекистон Республикасида прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш ва узлуксиз назоратни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида*”ги 337-сон қарори, 2-илоvasи, 5-банди // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁹ *Ўша манбаа*: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // lex.uz/docs/-8291495

Шу мақсадда, 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-207-сонли Фармон⁴⁰ асосида давлат бошқаруви тизимида мисли қўрилмаган институционал ислохот амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази тугатилиб, унинг негизида мақоми, ваколатлари ва ресурслари кескин оширилган мутлақо янги тузилма — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар куролларни назорат қилиш агентлиги ташкил этилди.

Ушбу институционал ўзгаришнинг криминологик ва ташкилий аҳамияти бекиёсдир. Авваллари наркотикларга қарши кураш сиёсати турли идоралар ўртасида тарқоқ ҳолда олиб борилган бўлса, эндиликда бевосита Президент Администрацияси ҳузуридаги Агентлик ягона, марказлашган мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи орган сифатида фаолият юритади. Фармон билан барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатлари қонунчиликда қатъий чегараланиб, ўзаро ҳамкорликнинг рақамлашган механизмлари белгилаб берилди. Масалан, Божхона қўмитаси транзит ва контрабанда каналларини кесишга масъул бўлса, Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаменти наркожинойтлар ортидаги молиявий оқимларни ва жиноий даромадларни легаллаштиришни (*крипто-валюталар мониторинги орқали*) аниқлашга йўналтирилган. Рақамли технологиялар вазирлиги эса кибермакондаги таҳдидларни блоклаш бўйича техник кўмак беради. Агентлик қошида Гиёҳвандлик ва наркожинойтларга қарши курашиш тизимини ривожлантириш республика жамғармасининг ташкил этилиши соҳани молиявий жиҳатдан мустақил ва барқарор қилди⁴¹. Шунингдек, Агентлик биносида аҳолининг огоҳлигини ошириш мақсадида “*Наркотиклар музейи*” ташкил этилиши институционал очикликнинг намунасидир.

Институционал ислохотларнинг яна бир муҳим йўналиши — бу жиноий жавобгарликни қатъий дифференциация қилиш сиёсатидир. Замонавий миллий стратегия доирасида гиёҳвандлик воситаларини тайёрловчилар, уюшган жиноий гуруҳ раҳбарлари, нарколаборатория эгалари ва энг асосийси, мансаб ваколатини сууистеъмол қилиб наркобизнесга ҳомийлик ва раҳнамолик қилган давлат хизматчиларига жазо кескин оғирлаштирилди⁴². Уларга нисбатан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш (*Жиноят кодексининг 73 ва 74-моддалари*) нормаларини қўллаш қатъиян ман этилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Аксинча, сотувчи бўлмаган, жиноят қурбонига айланган, касалликка чалинган,

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожинойтлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-207-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // lex.uz/uz/docs/7818774

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-173-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.05.2024 й., 07/24/173/0315-сон. URL: <https://lex.uz/docs/7161642>

⁴² Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддалар билан қонунга хилоф муомала қилганлик учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1151-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2026. — № 24. — 345-модда.

моддаларни фақат ўз эҳтиёжи учун сақлаган истеъмолчи ёшларга нисбатан эса пробация, мажбурий тиббий даволаш, ижтимоий реабилитация ва профилактика чораларини кенгайтиришга устуворлик берилмоқда. Жумладан, жазо муддатини ўтаётган ёки пробация ҳисобида турган маҳкумларни ижтимоий ҳаётга қайтариш мақсадида уларга маҳаллада юқори обрўга эга шахсларни номма-ном бириктириш тизими жорий этилди.

Бешинчидан, қиёсий-ҳуқуқий ва статистик асослантиришга қаратилган йўналиш. Бу янги Ўзбекистон қонунчилигидаги сўнгги концептуал ўзгаришларнинг илмий салмоғини ошириш ва уларнинг криминологик заруратини баҳолаш учун эмпирик статистик маълумотлар ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси билан қиёсий таҳлил ўтказиш зарур. Шунингдек, статистик маълумотлар қонунчиликни кучайтириш қанчалик объектив ва кечиктириб бўлмас зарурат эканлигини яққол намоён этади. Дарҳақиқат, сўнгги беш йил ичида республикада гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноят ишлари сони барқарор равишда 2,7 баробарга ўсиб, 2020 йилдаги 5 707 тадан 2025 йилда 15 412 тага етди⁴³.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ноқонуний муомаладан мусодара қилинган гиёҳвандлик воситаларининг умумий ҳажми 2025 йилда 3,7 тоннадан ошди.

Айниқса, “*аптека наркоманияси*”нинг кенг тарқалиши фонида мусодара қилинган кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг миқдори мисли кўрилмаган даражада ортди. Жиноятчиларнинг демографик портрети ҳам кескин ёшариб бормоқда, 2025 йилда жавобгарликка тортилганларнинг 3 856 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этди.

Шунингдек, 2025 йилнинг ўзида *Даркнет* ва *Telegram* орқали 12 037 та бот ва каналлар аниқланиши, 15 та нарколабораториянинг фош этилиши рақамли ва кимёвий таҳдиднинг нақадар юқорилигини кўрсатади⁴⁴. Ушбу эмпирик маълумотлар ПФ-207-сон Фармони ва ЎРҚ-1151-сон Қонуни доирасида нарколабораториялар ташкил қилганлик, вояга етмаганларни жиноятга жалб қилганлик ва кучли таъсир қилувчи моддаларни ноқонуний муомалага киритганлик учун жавобгарликни кескин оғирлаштириш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг тўлиқ ўзини оқлашини илмий жиҳатдан тасдиқлайди.

Юқорида олиб борилган кенг қамровли академик таҳлиллар, қонунчилик эволюциясини ўрганиш, статистик ва қиёсий-ҳуқуқий маълумотлар асосида параграфнинг асосий методологик саволига жавоб бериш мумкин: “*Қонунчиликнинг бугунги ҳолати трансмиллий наркожиноятчиликнинг эртанги таҳдидларига қанчалик тайёр?*”.

Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда, хусусан 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-207-сонли Фармони ва 2026 йил 11 июндаги ЎРҚ-1151-сонли Қонуннинг қабул қилиниши миллий ҳуқуқий тизимнинг нақадар мослашувчан, тезкор ва кучли эканлигини исботлади. Охирги ислохотлар натижасида жиноят қонунчилигидаги мавжуд бўшлиқлар — аналогларга, яширин нарколабораторияларга, прекурсорлар устидан назоратга ва мансабдор шахсларнинг наркобизнесга ҳомийлигига доир нормалар тўлиқ бартараф этилди.

Бироқ, рақамли наркобизнес, сунъий интеллект технологияларининг ривожланиши, крипто-миксерлар ва масофавий аноним тўлов тизимлари қонунчилик олдида эртанги

⁴³ Трансмиллий наркотаждидларга қарши халқаро ҳамкорлик (*Ўзбекистон ва Венгриянинг қўшма илмий-амалий лойиҳаси*). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026 й. 97-бет

⁴⁴ *Ўша манбаа*: 97-бет

куннинг бутунлай янги, мураккаб чақириқларини қўймоқда. Трансмиллий жиноятчилик эртага янада номарказлашган молиявий тизимлар (DeFi) ва метаолам (Metaverse) орқали савдо қилиш даражасига кўтарилиши хавфи мавжуд.

Юқорида илгари сурилган илмий таҳлиллардан келиб чиқиб, янги Ўзбекистон Миллий қонунчилик тизимини жиноятчиликнинг замонавий эволюцияси ва истиқболдаги трансмиллий таҳдидларга мослаштириш, шунингдек, ёшлар ўртасидаги виктимологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуйидаги қонун лойиҳаси таклифларини илгари сурамиз:

Биринчидан, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг рақамли далилларга оид институтини (204²-модда) янада такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг виртуал макондаги ваколатларини кенгайтириш мақсадида, кодексни *“Хорижий юрисдикциядаги электрон маълумотлар ва рақамли далилларни сўраб олиш”* ҳамда *“Кибермакондаги виртуал ҳамёнлар ва крипто-активларни мониторинг қилиш ҳамда блоклаш”* номли махсус нормалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, рақамли далилларни тўплаш жараёнида хуфёна тармоқлардаги (Darknet) транзакцияларни кузатиш, крипто-ҳамёнларни халқаро мониторинг қилиш ва блоклаш бўйича CLOUD Act каби трансчегаравий электрон маълумот алмашинув механизмларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш зарур.

“204³-модда. Хорижий юрисдикциядаги электрон маълумотлар ва рақамли далилларни сўраб олиш

Иш учун аҳамиятга эга бўлган электрон маълумотлар ва рақамли далиллар хорижий юрисдикциядаги ахборот тизимларида (серверларида) ёки глобал интернет тармоғи провайдерларида сақланаётган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд ушбу маълумотларни халқаро шартномалар ёки ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги келишувлар доирасида тегишли телекоммуникация ва ахборот воситачиларидан тўғридан-тўғри сўраб олишга ҳақли.

Бунда рақамли далилларни махсус ахборот каналлари орқали электрон шаклда олиниши уларнинг юридик кучини ва мақбуллигини йўқотмайди, башарти уларнинг яхлитлиги ва криптографик ҳимояси (хэш-суммаси) таъминланган бўлса.”

“204⁴-модда. Кибермакондаги виртуал ҳамёнлар ва крипто-активларни мониторинг қилиш ҳамда блоклаш

Жиноят ишини тергов қилиш доирасида виртуал маконда (шу жумладан, хуфёна интернет тармоқларида – Darknet) жинойий йўл билан ортирилган ёки жиноят қуроли сифатида фойдаланилган маблағлар ҳаракати аниқланган тақдирда, тергов ва тезкор-қидирув органлари крипто-активлар транзакциясини мониторинг қилишга ҳақли.

Агар крипто-ҳамёндаги маблағларнинг наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласи ёки бошқа оғир ва ўта оғир жиноятларга алоқадорлиги юзасидан етарли асослар мавжуд бўлса, суриштирувчи ёки терговчи суднинг ажрими асосида халқаро крипто-биржалар ва виртуал платформалар маъмурияти орқали ушбу маблағларни хатлаш (транзакцияларни блоклаш) тўғрисида қарор қабул қилади.”

Иккинчидан, бугунги кунда глобал рақамли макон ва ижтимоий платформаларда гиёҳвандлик субмаданиятининг тажовузкор (агрессив) тарқалишига чек қўйиш ҳамда

ёшларнинг виктимологик хавфсизлигини таъминлаш мақсадида миллий қонунчилигимизни янги таҳдидларга мослаштириш ўта долзарбдир. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 56²-моддасини янги таҳрирдаги нормани киритиш талаб этилади:

“56²-модда. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ёхуд кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб ва реклама қилиш

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ёхуд кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб ёки реклама қилиш, уларни истеъмол қилишнинг оқибатларини ижобий талқин қилиш (романтизациялаш), шунингдек, ушбу моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тайёрлаш, тарқатиш ва намоиш этиш, шу жумладан, ушбу ҳаракатларни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида амалга ошириш — ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз элик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир юз элик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қamoққа олишга сабаб бўлади.”

Учинчидан, бугунги кунда ёшлар ўртасида кенг оммалашаётган “дорихона гиёҳвандлиги” (фармацевтик препаратларни нотиббий мақсадларда суиистеъмол қилиш) генофонд ва келажак авлод саломатлигига реал таҳдид солаётганини инобатга олиб, жиноий жазони дифференциациялаш ва виктимологик ҳимоя принципларини янада кучайтириш кечиктириб бўлмас заруратдир.

“251²-модда. Фармацевтик препаратлар ва кучли таъсир қилувчи дори воситаларини нотиббий мақсадларда қонунга хилоф равишда ўтказиш

Таркибида кучли таъсир қилувчи ёки психофаол моддалар бўлган рецепт асосида бериладиган дори воситаларини нотиббий (гиёҳвандлик) мақсадларда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) мансаб мавқеидан ёки тиббий-фармацевтик фаолият билан шугулланиш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, — уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) айбдорга аён бўлган вояга етмаган шахсга нисбатан;

б) таълим-тарбия муассасаларида ёхуд уларнинг ён-атрофида;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, — муайян ҳуқуқдан (фармацевтик фаолиятдан) умрбод маҳрум қилиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши кураш соҳасида шаклланган замонавий ҳуқуқий механизмлар нафақат жазолаш ва қатағонга, балки энг аввало, миллат генофондини асраш, ёшларни виктимологик ҳимоя қилиш, интеллектуал профилактика ва жабрланувчиларни ижтимоий реабилитация қилишга қаратилган бўлиб, у жаҳоннинг энг илғор стандартлари билан ҳамоҳанг равишда ривожланиб бормоқда. Тизимнинг доимий тарзда технологик ва ҳуқуқий мослашувчанлигини таъминлашгина трансмиллий наркотаҳдидларга қарши кафолатли ва енгиб бўлмас қалқон бўла олади.